


Ш. ҚИШЛОҚ, ҶРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ



2020 йилнинг 1 июль ҳолатига қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида соҳасида фаолият кўрсатаётган жами юридик шахслар сони 16315 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 306 тага ёки 1,8 % га камайган. Шунингдек, 2020 йил январь-июнь ойларида вилоятда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида 980 та хўжалик субъектлари янги ташкил этилди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётганлар юридик шахсларни ҳудудлар кесимида таҳлили, бирликда



2020 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 10751,5 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 103,3 %, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 10288,2 млрд. сўмни (103,2%), ўрмончилик хўжаликларида 344,3 млрд. сўмни (103,7%), балиқчилик хўжаликларида 54,6 млрд. сўмни (101,9 %) ташкил қилди.


Хусусан юқори ўсиш суръатлари Бекобод шаҳар (111,5 %) ва Паркент (105,7 %) Юқоричирчиқ (105,1 %) туманларида кузатилди. Бунга қарама-қарши равишда Нурафшон шаҳар (101,5) ва Олмалиқ шаҳар (102,1%) паст ўсиш суръатлари билан яқунланди.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида ҳудудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ҳажми, млрд.сўмда




Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотларининг (хизматлар) ининг катта ҳажми Бекобод 1109,5 млрд.сўмни ташкил этиб, ҳудудлар бўйича юқори кўрсаткични ташкил қилди, Ўртачирчиқ ва Бўстонлик туманларида мос равишда 916,4 млрд. сўм ва 849,5 млрд. сўм кузатилди. Энг кам ҳажм Оҳангарон (20,5 млрд. сўм) ва Янгийўл (5,9 млрд.сўм) шаҳарларида қайд этилди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлар (хизматлар)
умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши**



Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлар (хизматлар) ининг умумий ҳажмида Бекобод туманининг улуши 10,3 % ни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Ўртачирчиқ 8,5 %, Бўстонлик тумани 7,9 %, Юқоричирчиқ тумани 6,7 %, кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Янгийўл шаҳар (0,1 %), Оҳангарон (0,2 %) ва Нурафшон (0,2 %) шаҳарларида қайд этилди.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши




2020 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг ўсиши 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,2 % ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 103,7 % ни, чорвачилик маҳсулотлари – 102,9 % ни ташкил қилди.

Деҳқончилик. 2020 йилнинг январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 427,4 минг тонна бошоқли дон экинлари ишлаб чиқарилиб, шундан 426,8 минг тоннаси буғдой ташкил қилди. Бундан ташқари барча тоифадаги хўжаликларда 1439,1 тонна пилла етиштирилди.


Бундан ташқари, барча тоифадаги хўжаликларда 138,1 минг тонна картошка қазиб олинди (2019 йилга нисбатан 103,8 % ташкил этди), 341,2 минг тонна сабзавот (101,8 % кўп) йиғиб олинди, 5,0 минг тонна полиз экинлари (116,7 %), 43,2 минг тонна мева ва резаворлар (103,2 % ташкил қилди) ва 2,3 минг тонна узум (123,7 %) етиштирилди.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида худудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш



Худудлар кесимида йиғиб олинган дон ҳосили таҳлил қилинганда юқори кўрсаткичлар Бекобод 65,6 минг тонна, Оққўрғон 58,4 минг тонна, Ўртачирчик туманларида 53,4 минг тонна, аксинча паст кўрсаткич Бўстонлик туманида 1,9 минг тоннани ташкил этди.

Қазиб олинган картошканинг юқори кўрсаткичлари Қуйичирчик 21511,4 тонна, Бўстонлик 17679,3 тонна, Пискент туманларида 14746,9 тоннани ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткичлар Олмалиқ шаҳар 44,0 тонна, Янгийўл шаҳар 44,0 тонна, Оҳангарон шаҳар 169,1 тонна, Чирчиқ шаҳар 440,0 тонна, Ангрен шаҳарларида 660,8 тоннани ташкил этди.



Етиштирилган сабзавот экинларининг юқори кўрсаткичлари Бекобод 75,1 минг тонна, Ўртачирчиқ 41,8 минг тонна, Оққўрғон туманларида 26,2 минг тоннани ташкил этган бўлиб, паст кўрсаткич Оҳангарон 0,1 минг тонна, Янгийўл 0,1 минг тонна, Нурафшон шаҳарларига 0,1 минг тонна тўғри келди.

Полиз экинлари етиштириш ҳудудлар кесимида юқори кўрсаткич Бўка 1629,8 тонна, Оққўрғон 897,2 тонна ва Янгийўл 3975 тонна кузатилди. Аксинча паст кўрсаткич Қибрай 31,0 тонна, Паркент 40,0 тонна Оҳангарон туманларда 60,0 тонна тўғри келди.

Мевалар ва резаворлар (тонна)



Ўзум (тонна)




Энг кўп мевалар ва резаворлар етиштириш Қибрай 6134,0 тонна, Зангиота 4600,4 тонна, Юқоричирчиқ туманларида 4446,6 тоннани ташкил этган бўлса аксинча паст кўрсаткичлар Янгийўл 36,0 тонна ва Оҳангарон шаҳарларида 91,5 тоннани ташкил этди.

Ўзум етиштириш бўйича энг юқори кўрсаткич Пискент 1065,5 тонна, Бўка 476,4 тонна бўлса, паст кўрсаткичлар Янгийўл шаҳри 3,7 тонна, Бўстонлик 5,5 тонна, Бекобод 6,0 тонна ва Қибрай туманларида 6,6 тоннани ташкил этди.

Чорвачилик. 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 101,1 % (жами 862,3 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 101,9 % (400,1 минг бош), қўй ва эчкилар 101,5 % (1032,8 минг бош), отлар 101,2 % (54823 бош), паррандалар 107,6 % га (19,6 млн. бошга) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 83,8 %, сут ишлаб чиқаришда 88,6 %, тухум ишлаб чиқаришда 51,4 % ташкил этди.

**2020 йил 1 июль ҳолатига ҳудудлар кесимида
чорва моллари ва паррандалар бош сони**



Энг кўп қўй ва эчкилар Оҳангарон 226,4 минг бош, Бўстонлик 151,9 минг бош, Паркент туманларида 107,1 минг бош бўлса, аксинча паст кўрсаткичлар Янгийўл 1,3 минг бош, Нурафшон 3,2 минг бош, Оҳангарон шаҳарларида 4,1 минг бошни ташкил этди.


Паррандалар сони бўйича энг юқори кўрсаткич Бўстонлик 2403,1 минг бош, Қибрай 1818,8 минг бош, Зангиота туманларида 1805,7 минг бош бўлса, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл 6,2 минг бош, Олмалиқ 12,4 минг бош, Нурафшон шаҳарларида 16,3 минг бошни ташкил этди.

2020 йил 1 июль ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

	минг бош	ўсиш суръати, % да
Йирик шохли корамол	862,3	101,1
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	74,3	106,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	748,4	100,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	39,6	104,3
улардан сизирлар	391,7	101,0
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	22,7	100,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	356,3	100,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	12,7	121,3
Қўй ва эчкилар	991,3	102,3
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	300,9	103,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	647,7	100,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	42,7	118,8
Отлар	50,0	101,4
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	8,7	106,9

	минг бош	ўсиш суръати, % да
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	38,7	100,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,6	100,8
Паррандалар	14961,0	101,7
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	445,5	139,7
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	7708,4	114,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	6807,1	88,6

Чорва моллари ва паррандалар бош сонida хўжаликлар тоифаларининг улуши



Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 86,8 %, фермер хўжаликларида эса 8,6 %, шу жумладан, сигирлар мос равишда 91,0% ва 5,8 %, қўй ва эчкилар 66,3% ва 30,4 %, отлар 77,4 % ва 17,4 %, паррандалар 51,5 % ва 3,0 % ташкил этди.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 141,6 минг тонна гўшт (2019 йилнинг январь-июнига нисбатан 3,0% кўп), 464,0 минг тонна сүт (2,0 % кўп), 634,4 млн. дона тухум (3,2 % кўп) ишлаб чиқарилди.



Йирик шохли қорамоллар худудлар кесимида таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткични Бекобод 80,4 минг бош ва Бўстонлик туманларида 78,0 минг бошни ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл 1,6 минг бош, Оҳангарон 2,4 минг бош ҳамда Нурафшон шаҳарларида 2,8 минг бошни ташкил этди.


Шу жумладан сигирлар энг юқори кўрсаткич Бекобод 34,6 минг бош ҳамда Бўка туманларида 31,4 минг бошни ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткичлар Янгийўл 1,2 минг бош ва Оҳангарон шаҳарларига 1,3 минг бош тўғри келган.

2020 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари


	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, % да</i>
Гўшт (тирик вазнда), минг т	141,6	103,0
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	7,3	128,7
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	118,7	101,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	15,6	106,4
Сут, минг т	464,0	102,0
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	30,2	98,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	411,0	102,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	22,8	105,6
Тухум, млн. дона	634,4	103,2
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	5,5	41,4

	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, % да</i>
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	326,1	100,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	302,8	109,2

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан % ҳисобида)




2020 йилнинг январь-июнь ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш



2020 йилнинг январь-июнь ойларида гўшт ишлаб чиқариш ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда энг кўп ишлаб чиқарган ҳудудлар Бўстонлик 13,4 минг тонна, Ўртачирчиқ 11,1 минг тонна, Янгийўл туманлари 10,7 минг тонна бўлса, Оҳангарон 0,2 минг, Нурафшон шаҳарларида 0,4 минг тонна кам ишлаб чиқарилган.

Бўстонлик 57,2 минг тонна, Бўка 39,0 минг тонна, Бекобод 34,1 минг тонна, Паркент туманлари 33,5 минг тонна сут ишлаб чиқариш бўйича юқори кўрсаткичлардан ўрин олган бўлса, аксинча Бекобод шаҳар 0,9 минг тонна Янгийўл шаҳар 1,0 минг тонна Нурафшон шаҳарлари 1,1 минг тонна сут ишлаб чиқариб нисбатан паст кўрсаткичлардан ўрин эгаллади.



Вилоятда тухум ишлаб чиқариш бўйича 2020 йилнинг январь-июнь ойларида энг юқори кўрсаткични Юқоричирчиқ 104,9 млн.дона, Зангиота 102,5 млн.дона, Ўртачирчиқ туманларида 94,5 млн.донани ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткич Нурафшон шаҳарида 1,1 млн.донани ташкил этди.

Фермер хўжаликлари. 2020 йилнинг январь-июнь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 1054,9 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжалиklarининг улуши 10,3 % ташкил этди.

2020 йилнинг 1 июль ҳолатига фермер хўжалиklarида 74,3 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 22,7 минг бош сигир, 300,9 минг бош қўй ва эчкилар, 8696 бош от, 445,5 минг бош паррандалар мавжудлиги тасдиғини топди.

2020 йил январь-июнь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

	январь-июнь				2019 январь-июнга нисбатан % ҳисобида
	2019 йил		2020 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, %	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, %	
Бошоқли дон	383435,0	96,2	282047,0	66,0	73,6
<i>шу жумладан:</i> буғдой	383275,0	96,2	281447,0	66,0	73,4
Картошка	5575,0	4,2	6502,0	4,7	116,6
Сабзавот	38661,0	11,5	37632,0	11,0	97,3
Полиз	691,0	16,2	1687,0	33,8	244,1
Мева ва резаворлар	7151,0	17,1	9122,0	21,1	127,6
Узум	141,0	7,7	504,0	22,2	357,4
Гўшт, тирик вазнда	5674,0	4,1	7305,0	5,2	128,7
Сут	30537,0	6,7	30176,0	6,5	98,8
Тухум, млн. дона	13,4	2,2	5,5	0,9	41,4
Жун	223,0	17,6	344,0	28,6	154,3
Пахта	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Пилла	746,4	82,1	708,3	49,2	94,9